УзССР Давлат кутубхоналараро марказий фонди
21 ИЮН 1984
Госкомиздат УзССР

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 137 (5428).
19 ИЮНЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Москвада бўлиб ўтган Иқтисодий кенгаши якунларини кўриб чиқиб, ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегациясининг фаолиятини маъқуллади.

Сиёсий бюронинг мажлисида қайд этилганидек, КПСС XXVI съездида қардош мамлакатларнинг раҳбарлари социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш проблемаларини муҳокама қилишлари тўғрисида айтилган таклифни бошқа қардош партиялар яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Пухта коллектив тайёргарлик кўрилганлиги Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви муваффақиятини таъминлади. Иқтисодий кенгаш социалистик мамлакатлар хўжалик ривожи ва ҳамкорлиги, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи туб масалаларини чуқур ва атрофлича кўриб чиқди. Кенгашнинг бутун иши амалий ишчанлик руҳида, ошкора фикрлашув, тўла ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирлик вазиятида ўтди.

Кенгаш натижалари қардош партиялар ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги босқич бошланганидан дарак беради. Давлатларимиз Ўзаро алоқаларининг, социалистик иқтисодий интеграцияни узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Кенгаш ҳужжатларида қардош мамлакатларнинг жипслиги, уларнинг социализм ва тинчлик позицияларини мустаҳкамлаш мақсадларини кўзлаб иш кўришга азму қарор берганлиги акс эттирилган.

Социалистик давлатларнинг иқтисодий сиёсатини келишиб олишда олға томон катта қадам қўйилди. Социализмни қуриш ва такомиллаштириш, халқлар фаровонлигини ошириш, бундан бүёнги социал-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётни таъминлаш вазифалари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг экономикани ривожлантириш соҳасида биргаликда сарфлайдиган куч-ғайратларининг асосий кўрсаткичлари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Кенгаш қабул этган ҳужжатлар аввало шу мақсадларга қаратилган. Бу ҳужжатларнинг амалга оширилиши социалистик давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янги поғонага кўтариши, уларнинг ички резервларини сафарбар этишга, ўзаро алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашиши шубҳасиз. Интеграциялашнинг социализмга хос демократик усуллари мамлакатлардан ҳар бирининг миллий манфаатларини бутун ҳамдўстликнинг муштарак мақсадлари билан узвий равишда бирга қўшиб олиб бориш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ҳозирги босқичда социалистик давлатлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришни мураккаб ташқи шароитлар ҳам тақозо этаётганини таъкидлади. Улар ўз олдиларидаги вазифаларни мана шундай мураккаб шароитларда ҳал этишларига тўғри келмоқда. Бу ўринда гап империалистик давлатларнинг, биринчи галда АҚШнинг агрессив ғаламислик ҳаракатлари натижасида халқаро вазият кескин кучайганлиги тўғрисида бормоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар империализмнинг агрессив муддаоларига зарба беришга аҳд қилганликларини изҳор этиб, ўзларининг тинчликни мустаҳкамлашга ва халқаро кескинликни юмшатишга, халқаро муносабатларни тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишнинг нормал изига қайтаришга қаратилган принципиал изчил йўлини таъкидладилар.

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар халқаро иқтисодий муносабатларни соғломлаштириш йўлида дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ғоят манфаатдор бўлган конкрет қадамлар қўйиш программасини ишлаб чиқдилар. Улар халқаро муносабатларда камситиш ва эксплуатацияга қарши курашаётган барча кучлар тарафини олиб чиқаётганликларини таъкидладилар. Социалистик давлатларнинг ҳозирги халқаро вазият энг муҳим проблемалари хусусидаги батафсил позицияси кенгашда қабул этилган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Декларациясида, унинг бошқа ҳужжатларида баён этилган.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши навбатдан ташқари сессиясининг якунларини кўриб чиқди. Ўртоқ Н. А. Тихонов бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси ўтказган иш ижобий баҳоланди. Сиёсий бюро сессияда қабул этилган қарорларнинг муҳим аҳамиятини қайд этиб, эришилган аҳдномаларни бажариш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тегишли ташкилотларга топширди. Иқтисодий кенгашнинг ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг йўл-йўриқларини рўёбга чиқариш соҳасида министрликлар ва идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар олдида турган вазифаларнинг муҳимлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси К. У. Черненко ва Н. А. Тихонов ўртоқларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгашда делегациялари қатнашган мамлакатлар қардош партиялари ва давлатлари раҳбарлари билан, шунингдек ҳукумат бошлиқлари билан ўтказган учрашувлари ҳамда суҳбатларини маъқуллади.

Сиёсий бюронинг мажлисида КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилиниб, улар юзасидан қарорлар қабул этилди.

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ГУЛИСТОН. 18 июнь (ЎзТАГ). Бугун Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум В. А. Хайдуров Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан уни область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Бундан илгари Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаган В. А. Антонов Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

# ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

*Ишчи ворисларига ғамхўрлик қилайлик*

## РЕСПУБЛИКАДА ЭНГ ЯХШИЛАР

Цехга янги ишчи келади. Бу ерда ҳамма нарса унинг учун янгими, ҳатто, кўзига ғалати ҳам кўринади. Тобеларда у ишлаб чиқаришнинг жадал суръати, хилма-хил технологиядан келиб чиққанда баъзи қийинчиликларга дуч келади. Ана шундай пайтда ёш ишчига меҳнат ветеранлари — ишлаб чиқаришнинг тажрибали билимдонлари ёрдамга келишади. Ёш ишчига керакли маслаҳатлар билан йўл-йўриқ кўрсатиб, мураккаб технологияни ўзлаштиришда яқиндан мадад қўлини чўзишади.

Мураббий... Ўз ишида халол, масъулиятли муносабатда бўладиган ҳар одам ҳеч қачон ўзи ўргатган нарсани тажрибасиз ишчига ўргатмасдан қўймайди. Тошкент тўқимачилик комбинатида ана шундай меҳрибон мураббийлар ташкил этади. Уларнинг хайрихоҳлиги туфайли, ёш ишчиларга кўрсатаётган ғамхўрликлари ҳар бир коллективнинг диққат марказида турибди.

Мукофот ҳам меҳнатга яраша бўлади. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги коллегияси ҳамда республика тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи Президиуми ёш ишчиларни тарбиялаш ҳамда меҳнат самарадорлигини ошириш соҳасидаги актив хизматлари учун шу соҳанинг корхоналари пешқадамлари билан бир қаторда комбинатнинг иккинчи фабрикаси тўқувчиси Алфия Ҳамидовна Абдураҳмонова ҳамда 2-йигирув фабрикаси йигирув цехининг тараш қисми бошлиғи Сулаймон Иброҳимович Иброҳимовларни Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ҳамда республика касаба союзининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотлади. Шунингдек, А. Х. Абдураҳмонова «Энг яхши ишчи — ёшлар мураббийси», С. И. Сулаймонов эса «Энг яхши инженер — ёшлар мураббийси» унвонларига ҳам сазовор бўлди.

## ПИШИҚ ВА ПУХТА

«Красновосточная» депосининг ремонтчилари КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, меҳнат самарадорлигини планга қўшимча бир процент ошириш, маҳсулот таннархини эса ярим процент камайтириш учун курашишмоқда. Коллектив ўтган ой плантопшириқларини муваффақият билан бажарди.

Ҳозирги долзарб кунда ремонтчилар трамвайларни пишиқ ва сифатли ремонт қилишда иш соатидан унумли фойдаланмоқдалар. Бу ҳар куни йўловчилар хизматига депо дарвозасидан чиқадиган 128 та вагон график бўйича ҳаракат қилади, деган маънони билдиради.

Ремонтчилар коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олиш ниятида. Геннадий Замишляев, Владимир Дадашев, Норйигит Пардаев, Равиль Хасянов каби илғорлар иш нормаларини 1,5 ҳисса бажаришяпти.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ.**

## ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Шу кунларда шаҳримиздаги барча корхоналар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги юбилейини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун қатъийлик меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, шаҳримиздаги Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига қарашли «Узторгоборудование» ишлаб чиқариш комбинати ишчи ва хизматчилари ҳам юбилейни муносиб совғалар билан кутиб олмоқдалар.

Комбинатнинг илғор цехларидан бири бўлган босмахона цехи ярим йиллик планни қарийб икки ҳафта олдин 101 процент қилиб адо этди. Г. Светунков бошчилик қилаётган цех илғор ишчилари социалистик мусобақани авж олдириб, ярим йилликнинг охиригача яна планга қўшимча 90 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз зиммаларига олдилар.

**З. РУСТАМОВ,**
**инженер.**

## АНИҚ МАРОМДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган меҳнат беллашувида электртранспортчилар қизғин қатнашмоқдалар. Кейинги пайтда Вера Бурлицкая етакчилигидаги 17-троллейбус маршрутида йўловчиларни ташишнинг янги усулидан кенг фойдаланилмоқда.


Бу ерда маршрутда ҳар куни 15 та троллейбус темир йўл вокзали — Кабель заводи оралиғида аниқ маромда ҳаракат қиляпти. Ҳайдовчилардан Раҳимбой Одилов, Маъмуржон Шокиров, Виктор Карцев, Валерий Мельниковлар маршрутда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашда ибрат бўлишяпти. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётган ҳайдовчилар коллективи республикамиз юбилейи шарафига фахрли «Намунали маршрут» номини олиш учун курашмоқда.

**А. ФАТТОҲОВ.**

## ЯНГИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ

Республика Киночилар уйида Ўзбекистон ССР халқ артисти Шариф Файзиев ҳинд киночилари билан ҳамкорликда яратган «Ўзбекфильм» киностудиясида яратган «Бир севги афсонаси» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Томошабинлар маросимда фильм ижодкорларини янги ижодий ютуқ билан муборакбод этдилар. Картина Тошкентда бўлиб ўтган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро кинофестивалида расмий фильм сифатида намойиш этилган эди.

## Пойтахт области — республика пойтахтига





# 4. ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Калинин районидаги «Москва» совхозининг директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Валиевни биз биринчи бригаданинг участкасида учратиб қолдик. Бригада бошлиғи, район партия комитети бюросининг аъзоси Ҳакимжон Ҳошимов билан у помидор ўсаётган далани кўздан кечираётган экан.

— Ҳосил яхши бўлади,— деди кулиб А. Валиев. — Сарфлаган меҳнатимиз эвэ кетмайди.

Кейинги йилларда хўжаликда жиддий ўзгаришлар рўй берди. 150 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, экин ҳосилдорлиги ўсди. Дренаж тармоғи қурилди, рекультивация бажарилди, органик ўғитларни солишга изчиллик билан эътибор берилмоқда, тупроқнинг таркиби яхшиланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлмай, балки меҳнатни тўғри ташкил қила билиш ва тарбия ишларини олиб боришнинг натижасидир.

Аҳмаджон Валиев ҳар бир киши билан чиройли муомала қилиш, унда меҳнатга муҳаббат уйғота олишни билади.

Директорнинг ўзи қарамоғидаги кишиларга муносиб намуна кўрсатмоқда. Ҳамиша иш қайнаган жойда, ҳамиша изланишда юради. Юмушлар эса тўлиб-тошиб ётибди.

Шу нарсани айтиб ўтиш лозимки, белгиланган барча планлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Совхоз марказий йўлининг ёқасида 14 та икки квартирали уй қад кўтариб, унда хўжалик меҳнатчилари истиқомат қилишяпти. Ҳозир яна ана шундай 18 та коттеж қурилиши ниҳоясига етмоқда.

— Ҳозиргина хушхабар олдик,— дейди А. Валиев. — Хўжалигимиз СССР Мева ва сабзавот хўжаликлари министрлигининг совхозлари коллективлари ўртасида 1983 йил якунларига биноан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби, деб топилибди. Биз бунга суғорилади-ган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширганлигимиз натижасида эришдик.

«Москва» совхозида эришилган бундай арзигули ютуқларни қуйидаги рақамлар билан ҳам изоҳлаш мумкин. 1980 йилда ҳар бир гектардан 110 центнердан сабзавот йиғиштириб олинди. Олиб борилган ишлар ҳосилдорликни уч баравар ошириш имконини берди.

— Совхоз сабзавотининг асосий қисмини Ўзбекистон пойтахтига етказиб беряпти, — дейди А. Валиев. — Шаҳарликлар дастурхонига дуркун маҳсулот етказиб бериш, уларни жўнатиш графигини бажаришни ўзимизнинг бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

Хўжалик далаларида ҳозирда тошкентликларни ҳам кўриш мумкин. ТошДУ география факультетининг 120 студенти ва Собир Раҳимов районидаги 128-мактабнинг ўқувчилари совхоз ишчилари билан қўлни-қўлга бериб экинларни агротехник парвариш қилишмоқда, бақлажон, карам, пиёз йиғишда ёрдам беришаяпти. «Москва» совхозининг маҳсулотлари Чилонзор районининг сабзавот магазинларига, саноат корхоналарига, шу жумладан қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг байроқдори бўлган трактор заводига етказиб берилаяпти.

**А. ХАТАМОВ.**

**СУРАТЛАРДА: совхоз директори Аҳмаджон Валиев ва бригадир Меликбой Аскаровнинг кайфиятни яхши — чунки мўл сабзавот ҳосили етиштирилган; совхоз ишчиси А. Агибоев ва бригадир Х. Ҳошимов участкани кўздан кечиришяпти; ТошДУ география факультети студентлари деҳқонларга ёрдам бергани келишган; трактор заводининг ярим масалликлар магазинида ранг-баранг сабзавотлар сотувга қўйилган; трактор заводи ошхонасининг менюси турли сабзавот таомларига бой.**

**Т. Каримов фотолари.**







## АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

**М. ТУРОПОВ,**
**«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси созловчиси, Ленин ордени кавалери.**

Коллективимиз олдига қишлоқ меҳнаткашларини тракторлар билан таъминлашдек муҳим ва масъулиятли вазифа қўйилган. Корхонанинг ҳар бир ишчи ва хизматчиси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун жонбозлик кўрсатиб ишлаяпти.

Бошқача бўлиши мумкин эмас. Зотан, бизни деҳқонлар билан яқин дўстлик алоқалари боғлаб турибди. Ҳар йили заводга уларнинг миришкор қўллари билан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириладн. Урок ва Болға иттифоқининг мустаҳкамланишига Калинин районидаги «Москва» совхозининг меҳнатчилари ҳам салмоқли ҳисса қўшишяпти.

*• Идеология ишлари кундалиги*

## МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари олий мактаб олдига мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш билан боғлиқ кўплина янги, муҳим масалаларни илгари сурди. Шулардан асосийси — ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, жумладан, лаборатория ишлари, практик ва семинар машғулотлари сингари анъанавий ўқув формаларининг сифати ва самарадорлигини оширишдир.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида ўтаётган республикалараро илмий-методик конференцияда худди шу масала муҳокамага қўйилган.

— Конференциянн ўтказишимиздан мақсад, —деди Тошкент Давлат университетининг ректори, профессор С. Х. Сирожиддинов, — 11 та фан бўйича семинар, практик ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг илғор тажрибаларини ўзаро алмашишдир. Конференция қатнашчилари муҳокамасига қўйилган проблема жуда актуал бўлиб, студентларнинг ўқув материалини ўзлаштириш самарадорлигини оширишни, уларнинг ўз олган билимларини амалда қўллай билиш малакаларини ҳосил қилишини кўзда тутади.

Конференцияда муҳокама этилаётган энг муҳим масалалардан бири, шунингдек, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш бўйича олий ўқув юртларининг иш тажрибасини умумлаштиришдир. Практик, семинар ва лаборатория машғулотлари бўлажак ўқитувчиларда методик, педагогик ва психологик омил ва кўникмаларни ҳосил қилиш ва уларни мактабдаги ўқув-тарбия жараёнида амалга оширишда катта имконият яратади.

Профессор-ўқитувчилар составининг бундай кенг миқёсда биргаликда иш олиб бориши тўпланган тажрибани умумлаштириш, лаборатория ва семинар машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича асосий йўналишларни ишлаб чиқишга кўмаклашади, бу эса, шак-шубҳасиз, мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширишга ёрдам беради.

## *Илмий-амалий конференция*

Собир Раҳимов районида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков «Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши» мавзуида доклад қилди.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети проректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Б. Баратов, университет КПСС тарихи кафедрасининг мудири профессор Л. В. Гентшке, агрегат заводининг директори В. Р. Байжонов, «Миконд» заводи партия комитети секретари М. Х. Умаров ва бошқалар ўз сўзларида идеология ишининг ҳозирги проблемаларига тўхталдилар.

# ШУ КУННИНГ НАФАСИ

## *Бугун Тошкентда:*

**Ўзбекистон илмий-техника жамиятлари Совети Тошкентдаги техника уйида ташкил этган «Автомобиль транспортида хавфсизлик ҳаракати» кўргазмасини мингинчи знёратчи келиб кўрди.**

**Республика Киночилар уйида Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида суратга олинган «Остонадан одим ташлаб» янги ҳужжатли фильмининг кўрниги бўлиб ўтди. Лентанинг бош қаҳрамонлари — «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчиларидир. Тикувчиларнинг ўзлари дастлабки томошабинлар бўлишди.**

## *ОБ-ҲАВО*

Бугун арталаб совт 11 да Тошкентда 24 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли, ёғингарчилик бўлмади. Кечаси 16—21, кундузи 31—36 даража иссиқ бўлади.

# ДАВЛАТИМИЗНИНГ ОТАЛАРЧА ҒАМХЎРЛИГИ

Оналар, кўп болали оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар тўғрисида ғамхўрлик Совет давлатининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон социал таъминот ходимларининг 18 июнь куни Тошкентда очилган регионал кенгашида шулар таъкидланди. Кенгаш қатнашчилари кўп болали оналар ва пенсионерларга хизматни ташкил этишни янада такомиллаштириш, уларга турли социал ёрдам бериш тадбирларини муҳокама қилмоқдалар.

КПСС XXVI съезди социал таъминот соҳасида қўйган вазифалар мамлакатда муваффақиятли амалга оширилаётганлиги кенгашда уқтириб ўтилди. Ўзбекистоннинг ўзидагина 323 минг пенсионерга давлат пенсиялари миқдори оширилди. 63 минг аёлга фарзанди 1 ёшга етгунга қадар бола боқиш учун бериладиган отпускасига қисман ҳақ тўланмоқда. Республикада «Қаҳрамон она» орденига сазовор бўлган 90 минг аёл билан «Оналик шуҳрати» ордени ва «Оналик медали» билан мукофотланган бир неча миллион меҳнаткаш аёлларнинг имтиёзлари қўпайтирилди. Фашистлар Германияси устидан ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан уруши инвалидлари турмуш шароитларини янада яхшилаш комплекс тадбирлари амалга оширилмоқда.

Нутқларда СССР Олий Совети Президиуми бундан қирқ йил аввал қабул қилган кўп болали оналарга давлат ёрдамини кўпайтириш тўғрисидаги Фармон катта аҳамиятга эга бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу Фармон туфайли миллион-миллион аёллар ижтимоий фойдали меҳнат қилиш ва бола тарбиялаш учун янада қулай шароитларга эга бўлдилар.

Кенгаш қатнашчилари орттирилган тажрибани баҳам кўрмоқдалар, аҳоли барча категориялари социал таъминотини янада такомиллаштириш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқадилар.

**(ЎзТАГ).**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ.

# ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ХОСИЯТ ЁҚУБОВНА ЁҚУБЖОНОВА

№6 (19)

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп хизмат кўрсатган кишиларга «Бирлашманинг фахрий ходими» номи берилади. Тўқув цехи бригадири Зинаида Иосифовна Голошапова ҳам ана шу номга сазовор бўлган.

Ёш тўқувчилар Зинанда Иосифовнани ҳурмат қилишади, чунки ундан кўп нарсани ўрганишади. Унинг мураббийлигида кўплаб ёшлар малакали касб эгаси бўлишган.

М. Нуриддинов фотоси.



• Министр билан суҳбат

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Икки кундан бери Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари социал таъминот ходимларининг «Кўп болали оналар ва пенсионерларга социал ёрдамнинг турли хиллари бўйича хизмат кўрсатилишини ташкил этишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги масала бўйича регионал кенгаши бўляпти. Бугун биз республика Социал таъминот министри, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакциялари қошидаги уруш ва меҳнат ветеранларига кўмаклашувчи жамоатчилик Советининг раиси Хосият Ёқубовна Ёқубжонова билан суҳбатни эълон қиляпмиз.

**— Хосият Ёқубовна, бундай йирик тадбирни ўтказишдан кузатилган мақсад нима, кимнинг ташаббуси билан уюштирилган ва унинг ишида кимлар иштирок этяпти? Шуниси қувончлики, республикамизда, шаҳримизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этиляпти.**

— Кўп болали оналар ва пенсионерларга социал ёрдамнинг турли хиллари бўйича хизмат кўрсатилишини ташкил этишни янада такомиллаштириш проблемаларининг ҳал этилиши партия ва ҳукуматимизнинг КПСС XXVI съездида белгиланган социал-иқтисодий сиёсатига жавоб беради. Ушбу масалага КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) ва бундан олдинги барча Пленумларида жиддий эътибор қаратилди. Айни пайтда у шонли саналарга тўғриланди. Саккизинчи июлда СССР Олий Совети Президиумининг «Қаҳрамон она» ва «Оналик шуҳрати» орденларини таъсис этиш тўғрисидаги Фармони чиқарилганига 40 йил тўлади. Ватанимиз Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраяпти. Ниҳоят, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи яқинлашмоқда.

Регионал кенгаш СССР Меҳнат ва социал масалалар бўйича Давлат комитети, Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ташаббуси билан ўтказиляпти. Унда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова, СССР Меҳнат ва социал масалалар бўйича Давлат комитети бошқарма бошлиғи Н. В. Кузнецова, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Социал таъминот министрлари, министрликлар аппаратларининг масъул ходимлари қатнашмоқдалар. Бу республикалар иш тажрибасининг ўзига хос алмашуви бўлиб, умумий ишга фойда келтирмоғи лозим. Кенгашда кўп болали оналар ва пенсионерларга ва инвалидларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ишнинг янги форма ва методлари аниқланиб, тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

**— Республикамиз министрлиги регионал кенгаш ўтказиш бўйича ташаббус билан чиққан экан, демак у ижобий иш тажрибасига эга бўлиб, ўзига хос база корхонаси ҳисобланар эканда?**

— Ҳа, албатта бизда қардош республикалардаги ҳамкасбларимизга сўзлаб берадиган ва кўрсатса арзийдиган ютуқлар бор. Республикамиз социал таъминот органларининг тармоқлари интернат уйлари, пансионатлар, врачлик-меҳнат эксперт комиссиялари, протезлаш бўйича муассасаларнинг кенг тармоғига эга. Ҳар йили республика аҳолисини социал таъминлашга 1 миллиард 240 миллион сўм сарфланяпти. Ой сайин бир пенсионер ёки боқиманда учун юз сўмга яқин сарфланяпти. Шу беш йилликда 310 минг кишининг пенсияси минимал миқдори оширилди. 65 минг пенсионерга бир корхонада узлуксиз ишлаганлиги учун 20 процентли қўшимча тайинланди. Ҳар олтинчи кишига комплекс хизмат ва моддий ёрдам кўрсатиляпти. Социал таъминотнинг барча бўғинларида хизмат кўрсатиш даражаси мунтазам юксалиб бориши кузатиляпти. Биз меҳмонларга пенсионерларга катта ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилаётган Республика пансионатини қониқиш билан кўрсатамиз. Уларни Фарғона шаҳридаги оналар ва болалар касалхонаси очилишига, Тошкентда ва Фарғонадаги анъанавий «Оналик шуҳрати» байрамига таклиф этамиз. Бизда 90 минг кўп болали оналар бўлиб, уларга иззат-икром кўрсатиляпти.

**— Хосият Ёқубовна, сиз кенгашда «Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан инвалидларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида» доклад қиласиз. Табиийки, бу савол Улуғ Ватан урушининг барча ветеранларини қизиқтиради...**

— Чиндан ҳам булар ҳаётий муҳим масалалардир. Партия ва ҳукуматнинг директив ҳужжатлари, совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига тайёргарлик юзасидан чиқарилган қарор министрликларнинг ходимлари олдига социал таъминот ишларини янада юксалтириш бўйича янги вазифалар қўйди. Кенгаш тўпланган ижобий тажрибани чуқур ўрганиш ва умумлаштириш, Ватан ҳимоячиларининг социал таъминоти билан боғлиқ барча қонунлар ва қоидаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш бўйича конкрет йўналишларни белгилашга даъват этилган.

Ватан жанг майдонида ўз саломатлигини йўқотганларнинг жанговар хизматларини юксак қадрлайди. Уруш инвалидларига ажратилаётган пенсия маблағлари йил сайин кўпайтирилмоқда. Ҳозир бизнинг республикамизда бундай харажатлар 50 миллион сўмни ташкил этади. Бу 1981 йилга нисбатан 3 миллион сўм зиёддир. Бошқа кўпгина имтиёзлар — уй-жой, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда 50 процент чегириш, уй-жой-маиший шароитларни яхшилаш бўйича имтиёзларни амалга ошириш юзасидан катта ташкилий ва сиёсий ишлар олиб бориляпти. Чунончи, инвалидлар ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига 900 та қулай квартира ажратилди, 3,5 минг квартирада, шу жумладан хусусий уйларда капитал ремонт ишлари бажарилди.

Собиқ фронтчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи Тошкентда 200 ўринли госпиталь ишлаб турибди, бир қатор касалхоналарда махсус бўлимлар ва палаталар бор. Инвалидларнинг юз процентли диспансер назоратига олинган, уларга дорилар бепул берилади, аптекаларда улар учун алоҳида фонд ташкил этилган. Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ихтиёрида ўзининг «Протезист» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлиб, бу ерда уруш инвалидлари учун мураккаб ортопедия пойафзали, протезлар бепул тайёрлаб берилади.

Уруш инвалидлари ва қатнашчилари, меҳнат инвалидлари ва ветеранлари — булар орамиздаги энг хизмат кўрсатган кишилар бўлиб, жамият олдидаги хизматлари учун ўзларига бўлган ҳурмат, ғамхўрлик, миннатдорчиликни мунтазам ҳис этишга ҳақлидирлар.

Шуни назарда тутган ҳолда ва КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарорига жавобан системамиз ишини яхшилайверамиз. Бу ишда республикамизнинг барча жамоат ва бошқа ташкилотлари фаол иштирок этадилар.



Ишдан қайтган Мутал ака набираси турли саволларга тутди. Дастурхон тузаётган Холида опа уни тергаган бўлди:

— Буванг ишдан чарчаб келдилар, овқатланиб олсинлар. Кейин гаплашасан, жоним.

Бобо ва набира биргаликда энди тамадди қилиб олишган ҳам эдики, эшик қўнғироғи жиринглади. Эшик ёнида шу маҳаллада яшовчи аёл турарди. У ўғли бир неча кундан бери ишга бормаётгани, ҳозир маст ҳолда уйда тўполон кўтараётганини айтиб, кўзига ёш олди. Биргалашиб йўлга тушишди.

Мутал ака йигит билан узоқ гаплашди, панд-насиҳат қилди. Онани авайлаш лозимлигини уқтирди. Хуллас, йигитчанинг ишга бориши ва кечки ишчи-ёшлар мактабига кириб ўқиши ҳақида розилигини олиб қайтди. Мана, ҳозир у «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиларидан бири.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошдан кечирган, уруш ва меҳнат ветеранларини бўлган отахон 72 баҳорни қаршилади. Аммо, у ҳануз ғайратдан қолмаган. Меҳнат қилмаса, кори-хайр ишларга бош қўшмаса туролмайди. Негаки, Киров районидаги Тельман номли маҳалла комитетининг раиси-да!

У Тошкент Давлат медицина институтини 1936 йилда тамомлагач, Фарғона областида ишлаган эди. Кейин кўнгиллилар қатори жангга отланди. 3-Болтиқ бўйи, 1-Украина фронти жангчилари сафида бўлди. Ленинград остоналарида ажал билан юзмаюз турди. Кейинчалик 245-ўқчи дивизиясида медицина-санитария батальони командири бўлиб хизмат қилди. 1943-йилда Ленин партияси сафига ўтди.

Урушдан ғалаба билан Қизил Юлдуз, иккинчи даражали «Шуҳрат» орденлари, қатор медаллар соҳиби бўлиб қайтди.

Жангчи шифокор Тошкентдаги 1-юқумли касалликлар шифохонасида ишлай бошлади. Мутал ака бугунги кунда ҳам шу қадрдон шифохонасида врач бўлиб ишлаяпти.

Йиллар оқар сувдек ўтаверар экан. Сув беҳуда оқмаганидек Мутал аканинг умри беҳуда ўтмади. У кўп беморларга қайта ҳаёт бағишлади, кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Республикада хизмат кўрсатган врач, СССР Медицина аълочиси Мутал Ҳошимов кексайиб қолган бўлсаларда ҳали йигитдек бардамлар. Дўстлар гурунгига файз киритиб, беморларга ширин сўзлари, бой тажрибалари билан шифо бахш этмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

• Ветеранлар ҳақида ҳикоялар

## ИБРАТЛИ УМР



Шундай одамлар бўладики, улар билан суҳбатлашганимизда янги бир оламни кашф этгандай бўламиз. Мен Улуғ Ватан уруши ветерани Мирзамурод Алимов билан суҳбатлашиб, шундай бахтга муяссар бўлдим. Халқимиз ўз бошидан кечирган қувончли кунлар ҳам, ташвишли кунлар ҳам бу кишининг тақдирида акс этганига ишонч ҳосил қилдим.

...Отаси ва онасидан эрта айрилган Мирзамуродни акаси ўз тарбиясига олди. У ёшликдан меҳнатга кўникди, ўқишга қизиқди. Етти йиллик мактабни, билим юртини битирди. 1938 йилда Москвага ўқишга жўнаб кетди. Институтда ўқиб юрган чоғида харбий хизматга чақирилди.

Ватанимиз тупроғига фашист босқинчилари бостириб кирган дастлабки кунларданоқ Мирзамурод Алимов қўлда қурол билан жангга кирди. Эстониянинг Тарту шаҳрида душман билан биринчи бор рўбарў келди.

— Ростини айтсам, биринчи жангда бир оз сескангандик. Лекин, бир қизишиб кетгандан кейин жон ҳам кўзинггга кўринмас экан, — дейди у ўша кунларни эслаб.— Ўшанда тезроқ душманни Ватанимиз тупроғидан қувиб чиқаришни ўйлардик.

Бироқ урушнинг дастлабки ойлари ғоят оғир бўлди. Душман анча кучли эди. Жангчиларимиз Псков томон чекиндилар. 1941 йилнинг ўрталарида партия ва ҳукуматнинг «Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ» деган даъваткор чақириғи янгради. Чунки орқада Ленинград, Москва бор эди. Совет жангчилари Ватаннинг ҳар бир қарич ери учун жон олиб, жон бершарди. Ленинград остоналаридаги жангларнинг бирида Мирзамурод оғир жароҳатланди.

Абжир йигит госпиталда даволаниб чиққанидан кейин Карелия фронтига қарашли 3-армиянинг 10-гвардиячи дивизиясида ҳарбий мухбир бўлиб хизмат қила бошлади. Бир қўлда қурол билан немисларга қирон келтирса, бир қўлда қалам билан жангчиларни ғалабага илҳомлантирди. 22 ёшида Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан охиригача фронтда бўлган М. Алимов урушдан кейин ҳарбий соҳада ишлади. Катта сержант даражасидан подполковник унвонигача кўтарилди. 1979 йили истеъфога чиқди.

Мирзамурод ака 64 баҳорни қаршиламоқда. У киши вақтининг бирор дақиқасини ҳам бекорга сарфламайди. Ишдан бўш пайтида бадиий таржима билан шуғулланади.

Яқинда М. Алимовнинг ўнлаб орден ва медаллари қаторига Югославиянинг «Халқ олдидаги хизматлари учун» медали қўшилди.

Унинг тақдири Ватан бахт-саодати учун курашган барча кишиларнинг тақдиридек нурли.

**А. ЖУМАҚУЛОВ, ТошДУ студенти.**



Силлиқловчи Сандкарим Муҳиддинов ва чархловчи Тоир Мирфайзиев машинасозлик корхоналари учун турли-туман асбоблар тайёрлашади. Бу тажрибали ишчилар Тошкент асбобсозлик заводида меҳнат қилишади. Уларнинг иккови ҳам коммунистик меҳнат зарбдорн.

М. Нуриддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

## ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

«Ветеран»нинг январь ойи. саҳифасида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси К. Фёдоровнинг «Ремонт қила кўрманг...» сарлавҳали танқидий мақоласи босилган эди. Унда ветераннинг аризасига Чилонзор районидаги 9-ЖЭУ бошлиғи М. Гусова лоқайд муносабатда бўлгани, К. Фёдоровга оширилган нархда пардоз қоғози сотган мастер Л. Хамзинанинг ножўя хатти-ҳаракатлари баён этилган эди.

ЖЭУ коллективи газета мақоласини тан олмай, ёлғон-яшиқ сўзлар билан фронтчини ивгоғар деб кўрсатишга ҳаракат қилди. Шундан кейин редакция К. Фёдоровнинг хатини қўшимча текшириш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармасига юборди. У ердан қуйидаги жавоб олинди:

«Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси гражданин К. Фёдоровнинг хатини кўриб чиқди. Унда Чилонзор районидаги 9-ЖЭУ мастери Л. Хамзинанинг ножўя ишлари хабар қилинган эди. Хат асосида текширув ўтказилди. Шу нарса аниқландики, кўрсатилган ЖЭУда илгари ҳам хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш ҳоллари рўй берган ва шу асосда 10 апрелда Чилонзор район прокуратураси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 151-моддасига биноан жиноий иш қўзғатилган эди. Олдиндан тергов ишларини объектив, тўла ва атрофлича бўлишини таъминлаш учун гражданин К. Фёдоровнинг аризаси жиноий иш материалларига қўшилди ва улар бўйича қонунга биноан чоралар кўрилади».

Прокуратурадан жавоб кутамиз.

• Чин дилдан ғамхўр бўлайлик

## КЎНГИЛСИЗЛИК БЎЛМАСЛИГИ УЧУН

**Мени уруш қатнашчиси сифатида «Халқлар дўстлиги» проспектидаги «Ветеран» магазинига бириктириб қўйишган. Мен бу магазинга бориб, бир неча зарур буюмларни сотиб олдим. Кейин умр йўлдошимга пўстин олмоқчи бўлдим. Бироқ сотувчи қиз бу ерда эркакларга фақат эркакларнинг, аёлларга фақат аёлларнинг буюмларн сотилади, деди. Шу тўғримн!**

**С. СКРОМНИКОВ,**
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

**Марказий универсал магазинидаги уруш ветеранларига хизмат қилувчи салондан умр йўлдошим учун буюм сотиб ололмаганим жуда хунук воқеа бўлди. Бир халат кўзимга ёқиб қолди. Уни олиб бориб, кекса умр йўлдошимни хурсанд қилмоқчи бўлдим. Лекин уни менга сотишмади.**

**Ю. МАМАТХОНОВ,**
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Кейинги пайтда уруш қатнашчилари ва инвалидларини саноат маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланди. Бу борада савдо Бош бошқармаси аҳамиятини ташкилий ишларни амалга оширди. Собиқ фронтчиларнинг ҳар бири қайси савдо корхонаси унга хизмат қилишини билади. Аммо ҳал қилинмаган масалалар ҳали ҳам бор. Жумладан, маҳсулотларни танлаб олиш йўлга қўйилмаган, гоҳида энг зарур буюмлар: пахтали кийимлар, пойафзалларни топиш қийин. Шунингдек, ўзига мос келадиган арзон, пухта тикилган костюм ва кўйлакларни топиб бўлмайди. Телефонда буюртмалар қабул қилиш практикасидан етарли фойдаланилмаяпти. Кўриб турибмизки, ветеранлар ўз умр йўлдошларининг сотиб ололмаётганликларидан шикоят қилишмоқда. Ваҳоланки, ҳар биримиз яқин кишиларимизни чиройли ва хушбичим буюм билан хурсанд қилсак қандай яхши. Бунинг устига улар бизнинг ташвиш ўртоқларимиз ҳамдир. Ветеранлар умр йўлдошларининг ҳам ёшлари ўтиб қолган, улар бир-бирларига суянчиқ бўлиб қолишган.

Агар ишга юзаки қарайдиган бўлсак, сотувчиларни айблаб бўлмайди. Улар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиғи Н. А. Аҳмедовнинг буйруғини бажаришмоқда. «Эҳтиёж катта бўлган саноат маҳсулотларини сотиш тартибини назорат қилиш ва биркитиб қўйилган контингентга савдо хизмати кўрсатишни яхшилашнинг айрим чоралари тўғрисида»ги буйруқда шундай ёзилган: «Буюртма бераётган шахс ўзи фойдаланиши учун керак бўлган маҳсулотни олиши керак... «Фақат ўзи учун»... Акс ҳолда деб ўйлашади савдо бошқармасидаги л а р, умумий савдога айланиб кетади. У ҳолда уруш ветеранлари оила аъзоларининг ҳаммасига ноёб маҳсулотларни етказиб бўлмай қолади.

Оиланинг барча аъзоларига... Биз масалани бундай қўймоқчи эмасмиз. Назаримизда уруш қатнашчисининг умр йўлдошига ҳам хизмат кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, уруш инвалиди оғир бетобликги туфайли тўшакда қимирлай олмай ётибди. Унга кимдир ғамхўрлик қилади. Бу ниҳоятда оғир меҳнат. Ана шундай хизматни ўз зиммасига олган киши миннатдорчиликка лойиқ эмасми? У уруш ветеранлари учун белгиланган магазинга кириб, ўша ветеранга ва ўзига керак бўлган буюмларни сотиб олиш учун маънавий ҳуқуқга эга.

Бу масалани ҳал қилиш савдо Бош бошқармаси учун оддий масала эмас. Лекин уни ҳал қилиш керак. Чунки пойтахтимиздаги энг ҳурматли, даҳшатли жангда бугунги кунимиз учун азоб чеккан кишилар хафа бўлмасликлари керак.

«Ветеран»га жавоб берадилар

## «САЛОР»ДАГИ САНСАЛОРЛИК»

«Ветеран»нинг аввалги сонида юқоридаги сарлавҳа остида Улуғ Ватан уруши ивалидни М. Сезиннинг шикояти босилган эди. Унда «Салор» савдо базасидаги тартибсизликлар баён этилган эди.

Ёқилғи, ёғоч ва қурилиш материаллари чакана савдоси бўйича Бош бошқарма бошлиғи Д. Айтмуротовнинг хабар қилишича, «Салор»даги сансалорлик» мақоласи кўриб чиқилди. Унда баён этилган фактлар тасдиқланди ва «Салор» қурилиш материаллари савдо базаси коллективи йиғилишида ҳамда «Узглавтоплесстройторг»га бўйсинувчи бошқа савдо корхоналарида муҳокама этилди. «Салор» савдо базаси бўйича шу йил 31 майда чиқарилган буйруқ билан Улуғ Ватан уруши инвалиди М. Сезинга нисбатан қўполлик қилгани учун марказий омбор катта сотувчиси Н. Холмирзаевга қаттиқ виговор эълон қилинди. Контролёр К. Йўлдошевга виговор берилди. База директори Р. Маҳмитовга моддий жавобгар шахсларнинг иши, қурилиш материалларининг сақланиши ва реализация қилиниши устидан етарли назоратнинг йўқлиги кўрсатиб ўтилди.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

## «ЧОПАҒОН» СОАТ

Мен яхши ният билан ўтган йил ноябрь ойида «Молния» (чўнтак) соати сотиб олдим. Қарасам, бир суткада ўн минут илгарилаб кетяпти. Уч кундан кейин ЦУМ ёнидаги устахонага олиб бордим. Уста кўриб, созлаб берди.

Эртасига қарасам соат бир суткада бир ярим соат илгарилаб кетибди. Яна устага олиб бордим. У созлади. Энди суткасига икки ярим соат ўтиб кетадиган бўлди. Нима бўлса бўлди деб учинчи марта устага рўпара бўлдим. У қўлини сал теккизган эди соатим илгаригидан ҳам чопқир бўлиб кетди. Суткасига уч соат илгарилаб кетяпти.

Устага яна бир учрашсам соатим спортчиларнинг секундомерига айланиб кетадиганга ўхшайди. «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ўртоқларига «чопағон» соат керак бўлса Чилонзорнинг 7-кварталидаги 48-уйнинг 32-квартирасига хабар қилсинлар.

**М. ЎЛЖАЕВ,**
**Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.**

• ЧЕТ ЭЛЛАРДА

## ЎЗ-ЎЗИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЎТИЛАД

Бонн ҳукумати «социал демонтаж» йўналишига ўтилиши, социал эҳтиёжлар учун барча харажатлар чекланиши мамлакатни мураккаб иқтисодий аҳволдан олиб чиқишнинг бирдан бир йўли деб эълон қилди.

Асосий зарба пенсия страховаииесига тушди. Ҳукумат планига биноан пенсия тўловлари миқдори анча пасайтирилади, шунингдек уларни белгилаш шартлари мураккаблаштирилади. Жумладан, пенсионернинг аввалги ялпи даромадининг 44 процентидан иборат бўлган ўртача пенсия миқдори 25 процентгача пасайтирилди. Бундан ташқари меҳнаткашларнинг пенсия страховаииесига ўтказадиган взносларн миқдори босқичма-босқич оширилади. Уни 2035 йилга бориб, 17,5 процентга етказиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда давлатнинг пенсия страховаииесига ёрдами қисқартирилади. Бу ҳамма «Страхование қилинганларнинг ўз-ўзини таъминлаш» деб аталувчи тенденцияга таянир кўрсатади. Буларни мамлакатдаги иқтисодий аҳволнинг оқсаётганлиги, демографик мураккаб аҳвол билан қиёслаш мумкин. Федерал меҳнат министрлигининг нашри — Бош бошқармасининг бошлиғи Н. А. Аҳмедовнинг буйруғини бажаришмоқда. «Эҳтиёж катта бўлган саноат маҳсулотларини сотиш тартибини назорат қилиш ва биркитиб қўйилган контингентга савдо хизмати кўрсатишни яхшилашнинг айрим чоралари тўғрисида»ги буйруқда шундай ёзилган: «Буюртма бераётган шахс ўзи фойдаланиши учун керак бўлган маҳсулотни олиши керак... «Фақат ўзи учун»... Акс ҳолда деб ўйлашади савдо бошқармасидаги л а р, умумий савдога айланиб кетади. У ҳолда уруш ветеранлари оила аъзоларининг ҳаммасига ноёб маҳсулотларни етказиб бўлмай қолади.

Оиланинг барча аъзоларига... Биз масалани бундай қўймоқчи эмасмиз. Назаримизда уруш қатнашчисининг умр йўлдошига ҳам хизмат кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, уруш инвалиди оғир бетобликги туфайли тўшакда қимирлай олмай ётибди. Унга кимдир ғамхўрлик қилади. Бу ниҳоятда оғир меҳнат. Ана шундай хизматни ўз зиммасига олган киши миннатдорчиликка лойиқ эмасми? У уруш ветеранлари учун белгиланган магазинга кириб, ўша ветеранга ва ўзига керак бўлган буюмларни сотиб олиш учун маънавий ҳуқуқга эга.

Бу масалани ҳал қилиш савдо Бош бошқармаси учун оддий масала эмас. Лекин уни ҳал қилиш керак. Чунки пойтахтимиздаги энг ҳурматли, даҳшатли жангда бугунги кунимиз учун азоб чеккан кишилар хафа бўлмасликлари керак.

# ШОВҚИН БЎЛМАСИН!

## Шовқинга қарши кураш энг муҳим экологик ва социал проблемалар қаторига қўйилди

Пойтахтдаги транспорт серқатнов бўлган Большая Тульская кўчаси бўйлаб чўзилган уй-жойни бемалол «Юрак бинолар» қаторига киритиш мумкин. Бу бинолар фақат шу. Бу бинолар фақат яшашгина эмас, ўзига хослиги ва замонавийлиги билан шаҳар қурилиши соҳасидаги муҳандисларни жалб этаётганини йўқ: Москвада кўриниши оригинал бинолар кўп. Бу бинода галати бир элемент бор: кўчага қаратган қаватларни бўйлаб тўғрисига таъсир этади, организмнинг ихота кучига путур етказади, карликни келтириб чиқаради. Тарақ-туруқ ва шовқин меҳнат унумдорлигини қарийб учдан бир ҳисса пасайтириб, ечимлар қабул қилишда кўпгина жиддий хатоликларга сабаб бўлиши маълум.

Шовқиннинг зарарли эканлиги равшан. Шунинг учун ҳам шовқинга қарши кураш бутун бир умумдавлат программаси тусини олмоқда. Баъзида радиоприёмник овози пасайтирилишини, шовқин солмай секинроқ гапиришни илтимос қилишнинг ўзи кифоя. Бунга ортиқча маблағ сарфлашмайди — маънавий-тарбиявий танбеҳнинг ўзи кифоя. Аммо уни корхонада ёки муассасада акустик иқлимнинг тозалик программасига айлантириш мушкулроқ ва муҳим ишдир. Бунда ҳам истак ва талаб энг муҳим вазифа ҳисобланади. Масалан, Харьковда айни шу сифатлар рўёбга чиқди. Бу ерда гигиеначиларнинг тавсияларига кўра бир қанча корхоналарда «тинч хоналар» бунёд этилди. Автоматика муайян вақтда конвейерларни тўхтатиб қўяди ва ишчилар махсус хоналарга кириб дам оладилар, куч-қувватни тиклайдилар.

Бу саноат корхоналарида, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида шовқинни камайтириш чоралари тўғрисидаги ҳукумат қарорини бажаришнинг бирдан-бир йўли эмас, албатта. Янги цех, машина, уй-жой массиви ёки транспорт магистралини лойиҳалаш босқичидаёқ ортиқча децибелларни қўплаб йўқ қилиш сўзсиз бажариладиган қонун бўлиб қолмоғи лозим. Бунга яхши мисоллар оз эмас. Пойтахтдаги Большая Тульская кўчасида қурилган уйдан бошқа тинч уйлар ҳам бор. ТАСС мухбири Минскдан берган хабарда серқатнов транспорт чорраҳасида сокинлик талабларини ҳисобга олиб планлаштирилган ва қурилган янги микрорайон тўғрисида муфассал гапирилади. Микрорайонда ҳамма нарса: шу жиҳатдан уйларни энг қулай жойлаштириш ҳам, ётоқхонанинг дераза-лари ҳовлининг тинч тарафида бўлиши тўғрисидаги принцип ҳам, товуш сўндирадиган ихота экранлари ҳам (чунончи улар реклама панносига айлантириб юборилган) назарда тутилган.

Шаҳар қуришдаги акустика — шу кунниг энг муҳим проблемасидир. Пойтахтда ва бошқа шаҳарларда шовқин карталари тузиб чиқилган. Улар яқин ўн йилга мўлжалланган. Бу карталар атроф-муҳитни товуш билан соғломлаштириш амалий программасидир. Кўм-кўк хиёбонлар, товуш сўндиргич клапанлари, экранлар, уйларнинг қулай жойлаштирилиши, изоляцияси оширилган дераза блоклари шу мақсадга хизмат қилади. Бу янгиликларнинг кўпларини конвейер усулида ишлаб чиқара бошлаш мумкин. Ҳали иложи бўлмаган жойларда сокинликни шаҳар турмушининг манбаларидаёқ сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Ишни шовқин чиқмайдиган қилиб абадий программалаштириб юбориш осон кўчади. Мисол учун Днепропетровскнинг «Тополь» микрорайонида, Болтиқ бўйининг кўпгина шаҳарларида, ёхуд Навоий, Усть Илимск, Тольятти, Костомукша каби замонавий шаҳарларда ҳам шундай қилинган.

Шовқинни йўқотиш проблемасини бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Бу борада узоқ муддатли собитқадам комплекс ишларни бажариш тақозо этилади. Меҳнат аҳлининг манфаатлари партия, давлат ғамхўрлиги марказида қўйилган бизнинг мамлакатимизда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида бу иш умумдавлат социал программаларининг таркибий қисми бўлиб қолган.

**В. ПЕТРУНЯ,**
**ТАСС обзорчиси.**

ИХЧАМ ТАҚРИЗ

●

# «СУНЪИЙ ОЛМОС»

Она табиат ҳамма нарсага қодир, унинг мўъжизалари ажойиб, ноёб. Анвойи ноз-неъматлардан тортиб, безак бўладиган қимматбаҳо тошларгача табиат яратган. Шундай маъданлардан бири олмосдир. Химия фанлари доктори, профессор Қудрат Аҳмеров «Сунъий олмос» китобида бу ажойиб тош ҳақида бундай деб ёзади:

«Олмос — гўзаллик ва қаттиқликда донг таратган табиатнинг бебаҳо инъомларидан бири. Унинг номи маълумотларга кўра, арабча алмас — ўта қаттиқ ёки грекча адамас — енгиб бўлмас, енгилмас сўзларидан келиб чиққан. Ўта шаффоф, турли рангларда товланувчи нафис олмос кристаллари заргарлар қўлида минг хил жило топади.»

Инсонлар учун сеҳрли ва сирли ҳисобланган олмос қадимда тумор-лик вазифасини ўтаган. Саноат ривожланиши билан бу маъдан техниканинг муҳим хом ашёсига айланди.

XIX аср охири ва XX аср бошларидан эътиборан олмос саноатда кенг қўллана бошлади. Натижада меҳнат унумдорлиги 50 процент ошди. Ҳозирги замон техникасини олмоссиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Китобда машҳур олмослар ҳақида қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинади. Ўзининг катталиги ва қимматбаҳолиги билан 1905 йили Жанубий Африкадаги Премьер деган кондан топилган «Куллинан» олмоси машҳурдир. Унинг оғирлиги 3106 карат бўлиб, ўзи муштумдеккина эди. Бизнинг мамлакатимизда «Шоҳ», «Орлов», «Ёқутистон юлдузи», «Революционер Иван Бабушкин», «Волгоградский», «Беш йиллик старти», «КПСС XXIV съезди», «КПСС XXV съезди», «СССР 50 йиллиги», «Юрий Гагарин», «Валентина Терешкова», «Альенде», «Унита», «Правда» ва бошқа машҳур олмослар бор. «Кўҳинур» олмоси бадиий асарларда ўз ифодасини топган.

Муаллиф сунъий олмоснинг олиниши, космик минералогия ва олмослар, СССР олмос фонди, чет элларда ишлаб чиқариладиган олмослар. Сибирь олмослари ва бошқа маъданлар ҳақида атрофлича маълумотлар берган.

«Фан» нашриёти чоп этган «Сунъий олмос» рисоласини китобхонлар қизиқиб ўқишади.

**Тўлқин РАСУЛЕВ.**

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## ИККИ, УЧ БАРАВАР КЎПАЯДИ

**СОФИЯ. Тармоқ тўнғичи — Димитровград химия комбинатини реконструкция қилиш қизғин давом этмоқда. Реконструкция лойиҳасини совет ва болгар мутахассислари биргаликда ишлаб чиқишган бўлиб унинг амалга оширилиши азотли ўғитлар ишлаб чиқариш қувватини 2—3 баравар кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш имконини беради. Комбинатда меҳнатнинг характери ҳам ўзгаради. Барча операцияларни машиналар бажарадиган бўлади, технологик жараёнларни эса компьютерлар кузатиб туради. СССРнинг ҳамма томонларидан Димитровградга келтирилаётган янги машина-ускунала р н и монтаж қилишда совет ва чехословак мутахассислари қатнашмоқдалар.**



**Миср пойтахти Қоҳирада ёдгорликларнинг кўпчилиги шаҳарнинг асосан эски қисмида жойлашган. Транспорт ҳаракатининг тобора ошиб бориши туфайли бебаҳо ёдгорликлар зарар кўряпти. Айниқса «Ал—Азхар» университетининг йирик мусулмон комплекси (суратда) жиддий хавф остида турибди, негаки бу комплекс олдидаги майдон машиналар тирбандиган жойга айлантирилган.**
**АДН—ТАСС фотоси.**

## ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

КАТМАНДУ. Непал пойтахтидаги энг катта Сити-Хола залида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисида Совет-Непал битими имзоланган кунниг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Таниқли сиёсий арбоб, Непал ҳукуматининг собиқ бошлиғи М. П. Коирала йиғилишда нутқ сўзлаб Совет-Непал маданий ва илмий алоқалари иккала мамлакат халқларининг ҳамжиҳатлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

## *Хроника, воқеалар, фактлар*

**ҚОҲИРА**

**Мисрнинг Сувайш каналига газ ва қора мой келтирувчи қувурларда қаттиқ ёнғин чиқди. Шаҳарнинг барча ўт ўчирувчилари, яқин атрофдаги нефть ва газ конларидан махсус группалар— армия бўлинмалари ўт ўчиришга ташланди. Шамол бир неча соат вишиллаб турган алангани қарама-қарши томонга олиб кетганлиги туфайлигина ёнғин яқин атрофдаги уй-жойлар ва корхоналарга ўтмади.**

**ТОКИО**

**Японияда автомобиль фалокатлари қурбонларининг сони муттасил кўпайиб бормоқда. Бош полиция бошқармасининг маълумотларига кўра, шу йилнинг дастлабки беш ойидагина Япония йўлларидаги ҳодисалар натижасида 3350 киши нобуд бўлган. Япония полициясининг раҳбарлиги автомобиль фалокатлари жабрдийдаларининг сони кўпайганлиги ҳақида ташвишланиб, автомобилчилар йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишлари устидан ҳар куни қаттиқ назорат ўрнатиш ниятида эканлигини айтди.**

**КОТОНУ**

**Ғарбий Африкадаги Юқори Вольта республикасининг соғлиқни сақлаш министри Абдусалом Кабора Уагадугуда гапириб, Республика аҳолиси умумдавлат миқёсида эмлана бошлайди, деди.**

**Кампания чоғида, деди у, мамлакат турли районларининг аҳолиси миннигит, қизамиқ, сариқ касал ва сил каби юқумли касалликларга қарши эмланади, деди у. Юқори Вольтада шу касалликлар ҳар йили чиқиб турибди. Шу муҳим тадбирни амалга ошириш болаларнинг нобуд бўлиш даражасини анча камайтиришга имкон беради, деди министр.**

## АКТИВИСТ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

НЬЮ-ЙОРК. Чикагода Америка жамоатчилигининг бир йил муқаддам ёвузларча ўлдирилган касаба союз активисти Руда Лозано хотирасига бағишланган оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойишда турли жамоат ва демократик ташкилотларининг вакилларидан 2.000 га яқин киши қатнашди. Сўзга чиққан нотиқлар АҚШда сиёсий қотиллик давом этаётганлигига ва расмий маъмурларнинг позицияларига қарши қатъий норозилик билдирдилар. Расмий маъмурлар ана шундай жиноятларни ҳар томонлама текширишдан мутлақо бош тортмоқдалар.

Бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан кишилар Лозано ўнг сиёсий кучлар ва уюшган жиноятчилар кенг фитнасининг қурбони бўлганлигини қайд этдилар.



**Венгрия ижодкорлари болалар кийимига жуда катта эътибор беришади. Кичкинтойларнинг кийимлари «модадан орқада қолмайди».**
**СУРАТДА: кичкинтойларнинг янги «моделари».**
**МТИ—ТАСС фотоси.**

## ПОРТУГАЛИЯНИ ТАЛАМОҚДАЛАР

ЛИССАБОН. Кўп миллатли корпорацияларнинг Португалияда ўрнашиб олган филиаллари маҳаллий конруда саноати ва рангли металлургияни ривожлантиришга ҳар томонлама тўсқинлик қилмоқдалар. Чет эл компаниялари вольфрам, қалайи, кумуш, тантал каби стратегик аҳамиятга молик бўлган нодир металлар рудалари конларини монополиялаштириб, миллий индустрияни вужудга келтиришга халақит бермоқдалар ва хом ашёни мамлакатдан олиб чиқиб кетишни афзал кўрмоқдалар. Кончилар касаба союзининг тадқиқотида уқтириб ўтилишича, концессияларнинг шартлари монополияларга Португалиянинг табиий бойликлари билан чайқовчилик қилиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, деб таъкидланади ҳужжатда, ноёб металл рудалари конлари шу вақтгача тўла разведка қилинмаган ёки уларнинг ҳажми португалияликлардан сир тутилмоқда. Касаба союз ҳукуматни шу соҳада капиталистик мамлакатлар бозорига бутунлай қарам бўлишдан воз кечишга ва савдо-сотиқ соҳасида янги шериклар қидиришга, шунингдек Португалия экономикаси мана шу муҳим тармоғининг чет эл компанияларига қарамлигини камайтиришга кўмаклашишга даъват этди.



**Деҳлида миллий-озодлик учун курашчиларга ўрнатилган ёдгорлик. Унинг муаллифи — машҳур ҳинд ҳайкалтарошн Дэви Прасад Рой Чоудхари.**

**А. Чумичев фотоси, ТАСС фотохроникаси.**

## КАУЧУКЗОРЛАР ТИКЛАНДИ

ПНОМПЕНЬ. Халқ Кампучиясида давлат каучукзорларини тиклаш ва кенгайтириш борасида катта кўламдаги ишлар бошланди. Компонгчам вилоятидаги эски дарахтзорлар ўрнида катта-катта туп дарахтлар сафидан сал берида ёш гевея ниҳоллари кўкка бўй чўзмоқда. Бир неча йил ўтгач, улар қимматбаҳо оқ шарбат-табиий каучук ишлаб чиқариш учун хом ашё бера олади.

Кампучия каучук ишлаб чиқаришининг бош маркази чоғроқ бир Чуп посёлкасида жойлашган. Полпотчиларнинг геноцид режими йилларида экинзорлар қаровсиз қолди, посёлканинг ўзи эса қамоқ лагерига айлантирилиб, бу ерда минг-минглаб ватанпарвар азоб-уқубатларга дучор қилинди. Ҳозир посёлка бошқатдан қуриб битказилди, латексни қайта ишлайдиган бир қанча корхоналар тикланди.

Чупдаги гевеязорлар шу йилнинг ўзидагина яна 3 минг гектар кўпаяди, каучук ишлаб чиқариш яна 10 процент ортиб, 13 минг тоннага етади. Унинг анча қисми экспорт қилинади.

## *БИРИНЧИ МАРТА ЎТКАЗИЛАДИ*

ТОКИО. Хиросима муниципалитети билан Япония мультипликатор— кинематографчилар уюшмаси «Мультипликация тинчлик учун курашмоқда» шиори остида мультипликацион фильмлар халқаро фестивалини ўтказишларини биргаликда эълон қилдилар. Хиросимада фестивалнинг ташкилот комитети иш бошлади. Комитет барча мамлакатларнинг мультипликаторларини фестивалда қатнашишга таклиф қилди. Японияда бундай фестиваль биринчи марта ўтказилади. Ташкилотчиларнинг фикрича, фестиваль тинчлик ғояларини пропаганда қилишда, Ер юзи аҳолисининг янги авлодини халқлар ўртасида ҳамкорлик руҳида тарбиялашда мультфильм сингари оммабоп жанр нақадар катта роль ўйнаши мумкинлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланиши лозим. Фестивалнинг ташкилот комитети чет эллик қатнашчилардан август ойининг бошларида буюртмалар ола бошлайди. Ўшанда Америка самолётлари Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташлаганлигининг фожиали санаси нишонланади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

З ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

19 ИЮНЬ, 1984 й.



**Ярославлда учинчи марта республика Собинов опера музикаси фестивали ўтказилди. Улуғ рус артисти ҳамкишлоқларига мамлакат вокал санъати усталари меҳмон бўлиб келишди. Собинов кўчасидаги 25-уйда бундан 112 йил муқаддам «куйлар шоири» Леонид Витальевич дунёга келган эди.**
**СУРАТДА: СССР халқ артисти М. Биешу ярославлликлар даврасида.**
**Б. Саранцев фотоси. ТАСС фотохроникаси.**

● *Ажойиботлар оламида*

## МАШИНА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТАДИ

Воронеждаги «Электроника» фирма магазинидан хонаки инглиз тили «ўқитувчисини» сотиб олиш мумкин. Магазинга электрон нутқ синтезатори келтирилди.

Кнопкани боссангиз стол калькуляторига ўхшаб кетадиган чоғроқ бир прибор дарсни бошлайди. Машина хотирасидаги икки юзта сўздан биринчисини инглизча айтади ва уни ёзиб олишни сўрайди. Ўқувчи шу сўзни лотин алифбели клавиатурада теради ва экранчада тегишли ҳарфлар шуълаланади. Хато қилиб қўйсангиз электрон — «мураббий» тўғри ёзилиш вариантини кўрсатиб, хатони тузатади.

Келгусида машина хотирасини кенгайтириб, мактаб ўқувчиларига, борингки катталарга ҳам чет тилини ўрганишда қимматли кўмакчи бўлиб қолади.

## СУВ ТЎҒОННИ «ДАВОЛАЙДИ»

Байкал сувининг машҳур фазилатлари— поклиги, тиниқлиги, тотлилиги ёнига бетонни ғоятда пишиқ қила олиш хусусиятини ҳам қўшмоқ лозим. Ангарадаги ГЭСлар индустриясининг ҳолатини ўрганиб чиққан Иркутск университетининг олимлари шундай хулосага келдилар.

Иркутск ГЭСи ишга туширилганига ўттиз йилча бўлди. Шунча йилдан бери унинг тўғонидаги бетон-сув ўтказмаслик ва пишиқлигини сақлаб қолибди. Гап шундаки, Байкал суви бетон таркибидаги оҳак ва тузни эритиб, шу заҳоти уни чўктиради. Натижада тўғоннинг иккиламчи цементланиши рўй беради.

(ТАСС).

## ОПТИНА ДАШТИДА МУЗЕЙ

Калугалик таъмирчилар Козельск шаҳри яқинида жойлашган Оптина даштидаги уйнинг дастлабки қиёфасини тикладилар.

Рус адабиёти тарихидаги кўп нарсалар Оптина дашти билан боғланган. XIV асрдаёқ бу ерда барпо этилган монастирга турли йилларда Л. Н. Толстой, Ф. М. Достоевский, И. С. Тургенев, А. А. Фет ва бошқа адиблар ва шоирлар келишган эди. Ҳозир бу ерда кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Архитектура комплексининг бош қурилиши Веденский собори ўзининг дастлабки қиёфасига эга бўлди.

Қадимий архитектура ансамбли ўзининг мемориал адабий ёдгорликлари билан Калуга саёҳат ва экскурсиялар бюроси ишлаб чиққан янги туристик маршрутга киритилди.

(ТАСС).

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

## ПИАНИНОЧИ НИГОРА АҲМЕДОВА ХАЛҚАРО КОНКУРСДА ҚАТНАШАДИ

Тошкент Давлат консерваториясининг ёш педагоги Нигора Аҳмедова пианиночиларнинг Испанияда ўтказиладиган халқаро конкурсида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Илк болаликданоқ ёш Нигорани халқ ва классик куйларнинг ҳайратга садолари қурштаб олган эди. Унинг бувиси А. Навоий номли Давлат академик катта театрининг режиссёрларидан бири Музаффар Муҳаммедов ва бувиси, шу театрнинг артисти Наҳонат опа Нигоранинг биринчи устозлари бўлишди.

Нигора етти ёшида музика мактабига ўқишга кирди.

13 ёшида «Концертина прага» халқаро радиоконкурсининг қатнашчиси бўлди. У В. Успенский номли Республика музикали интернат мактабини аъло баҳолар билан тамомлаб, Москва давлат консерваториясига кириш учун йўлланма олди. РСФСРда хизмат кўрсатган артист Алексей Аркадьевич Наседкин унга устозлик қилди.

— Мен Москва консерваториясида музикадан билим олишни давом эттиришга, энг яхши композиторларнинг машҳур пианиночилар ижросидаги асарларини ўрганган консерваториянинг катта залида музика чалишга муяссар бўлганлигимдан бахтиёрман, — дейди Нигора.

Мана ниҳоят у яна консерваториянинг катта залида музика чалмоқда. СССР халқ артисти, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреати Тихон Николаевич Хренников Испаниядаги конкурсида қатнашиш учун ижрочиларни танлаб олади. Совет ижрочилик мактабининг вакили бўлиш ишониб топширилган энг яхши беш нафар ижрочи орасида Нигора Аҳмедованинг номи ҳам тилга олинди.

Ҳозир Нигора ўз маҳоратини тинмай оширмоқда. Эртадан то ярим тунгача унинг хонасида Бетховен, Шуман, Скрябин ва бошқа машҳур композиторларнинг асарлари янграб туради.

— Мен ана шу композиторларнинг музикасини жуда севаман, — дейди Н. Аҳмедова. — Бу йилги конкурс программасида айни шу композиторларнинг асарлари бўлгани учун ҳам унда қатнашиш ҳуқуқига муваффақ бўлгандирман.

Истеъдодли пианиночи бўш вақтларида концерт бериб, музика тўғрисида лекция ўқишга ҳам улугради. Кечқурунлари, одатга кўра, уларнинг хонадонига қариндош-уруғлари ва дўстлари келишади. Нигора ва унинг умр йўлдоши Александр фортепьянода, укаси Ботир скрипкада куйлар ижро этишади. Сўнгра уларнинг ҳар бири флейтани қўлга олиб, қалбга яқин қадимий қўшиқларни ижро этишади.

**Б. ҲАСАНОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

47 СССР чемпионати

## «ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 17 ФИКР

**А. ЛЮБИНСКАС,**
**Литва ССРда хизмат кўрсатган тренер, «Жальгирис» командасининг катта тренери.**

**— Альгимантас Ионович, «Жальгирис» командасининг йирик ҳисобда мағлубиятга учраганлигини қандай баҳолайсиз? Йигитларингизга иссиқ таъсир қилгани йўқми!**

— Тошкентдаги ҳаратнинг баландлиги бизга қўшимча рақиб бўлди. Лекин айбни тўла об-ҳавога юклаб бўлмайди. Ҳимоячиларимиз бўш ўйнашди. Улар пахтакорчиларнинг ҳужумчилар ва ярим ҳимоячиларга тўпни тўхтатиш, уни бир-бирига аниқ ошириш учун тўла шароит яратиб қўйдилар. Айни пайтда ҳужумда ҳам ўйиннимиз қовушмади. Шу боисдан ҳам Яновскийнинг дарвозаси олдида хавфли вазият жуда кам бўлди.

**— «Пахтакор» бу учрашувда дастлабки учрашувларга нисбатан яхши ва чиройли ўйин кўрсатди, деб ўйлайсизми! Тошкентлик ўйинчиларнинг қайси бирининг ҳаракати сизда яхши таассурот қолдирди.**

— Ўзимиз яхши ўйин кўрсата олмаганлигимиз учун «Пахтакор»нинг ўйини ҳақида фикр билдиришга ожизман. Шунга қарамасдан тошкентликларнинг биринчи бўлимда шиддаткор, кенг фронт бўйлаб ҳужум уюштиришгани, чиройли комбинациялар ишлатишганини айтиб ўтмоқчиман. Назаримда тошкентлик футболчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарликларида сифат ўзгариши бўлганга ўхшайди. Пахтакорчилардан ветеран Андрей Якубикни чиройли ўйин кўрсатганлигини тан олиш керак. У чаққон ва эпчил ҳаракатлари билан ёш командадошларини олдинга ундаб турди. Тўпни ҳам дарвозага жуда чиройли йўллади.

Назаримда Н. Амриев ярим ҳимоячи ролини жуда яхши бажарди, дарвозага тўп киритди. Ёш бўлишига қарамасдан И. Шкварин ҳам чиройли ўйнади. У дарвозани икки марта нишонга олди. Юрчишин ҳам спорт формасини тиклаётганга ўхшайди.

Ёш ўйинчилардан ўнг қанот ҳимоячиси Киселининг ўйинни менга маъқул бўлди. У вазифасини нуқсонсиз бажариш билан бирга ҳужумчиларга тўп етказиб бериб турди. Якубик дарвозага йўллаган тўпда ҳам унинг ҳиссаси бор.

**— «Пахтакор»нинг эртанги куни ҳақида нима дея оласиз!**

— «Пахтакор» ва «Жальгирис» билан бирга бир неча командага бу йил олий лигада қолиш осон бўлмайди. Тўғри, бу ҳақда аниқ фикр билдиришга ҳали эрта. Шу боисдан ҳам командалар ўз имкониятларини тўла ишга солишга ҳаракат қилади. Жароҳатланган қобилиятли ўйинчилар Бойматов, Жилькин, Исломов, Кабаев ва бошқалар майдонга тушганидан кейин «Пахтакор» ўз ўйин услубини топиб олади. Қисқа қилиб айтганда, мен ўзига хос ўйин услубига эга бўлган «Пахтакор» ва «Жальгирис»нинг олий лигада қолишини жуда-жуда истайман.

### «Пахтакор»нинг рақиблари

## МАСК (Москва)

**«Пахтакор» Марказий стадионида футбол бўйича навбатдаги тур учрашувларидан бири бўлади. Майдон эгалари Марказий Армия спорт клуби командаси билан беллашади.**

Тошкентликларни н г бугунги рақиби — МАСК клуби 1923 йилда ташкил этилган. Москвалик армиячилар 1936-йилдан буён олий лигада иштирок этиб келишмоқда. Улар олти марта мамлакат чемпиони бўлишган. Клуб уч марта кумуш ва олти марта бронза медали билан тақдирланган. Тўрт марта СССР Кубогини қўлга киритган.

Москвалик армиячилар турли йилларда ҳар хил совринларни қўлга киритишган.

Владимир Федотов команда шарафини энг кўп ҳимоя қилган ўйинчи ҳисобланади. У ҳозир клубга устозлик қилмоқда. Команда тарихида энг мерган ҳужумчи Григорий Федотов ҳисобланади. У Владимир Федотовнинг отаси бўлган. Григорий Федотов рақибларнинг дарвозасига 124 тўп киритган.

«Пахтакор» москвалик армиячилар билан олий лигада 36 марта учрашган. 13 учрашувда армиячилар, ўн учрашувда пахтакорчилар ғолиб чиққан, 13 учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Дарвозани нишонга олишда эса армиячиларнинг устунлиги бор — 55:38.



## ЁШЛАРГА — СПОРТ УСЛУБИДАГИ ЛИБОСЛАР!



ХОРАЗМ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН СПОРТ БИЧИҒИДАГИ ВЕЛЬВЕТ ШИМЛАРНИ БАРЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ВА ҚИЗЛАР БАЖОНИДИЛ КИЙИШАДИ.

Бундай шимларни кийган болалар ўзини қулай ва қовушимли ҳис этади.

Айниқса шаҳар атрофига саёҳатга чиқилганида, туристик походларга, пионер лагерларига борилганда қўл келади.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ** (телефон 41-54-21).

**«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги** (телефон 45-37-24).

---

**СССР Алоқа министрлигининг**

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

**1984-1985 ўқув йили учун**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

**Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди:** телевизион техника ва радиореле алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автомат-электр алоқаси, линия-кабель иншоотлари алоқаси, почта алоқаси, кўп каналли электр алоқаси, телеграф алоқаси ва ахборотларни узатиш, бухгалтерия ҳисоби (сиртқи бўлимга).

Техник ихтисослар бўйича кундузги бўлимда 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун эса 2 йилу 8 ой, почта алоқаси ихтисоси бўйича ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йилу 10 ой.

Техник ихтисослар бўйича сиртқи бўлимда ўрта маълумотлилар учун 3 йил, почта алоқаси бўйича ўрта маълумотлилар учун 2 йил, бухгалтерия ҳисоби ихтисоси бўйича ўрта маълумотлилар 2 йил ўқийдилар.

**Бошқа шаҳарлардан келиб кундузги бўлимларга қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

Кундузги бўлимда муваффақиятли ўқийдиган ўқувчилар учун ҳар ойда 30 сўмдан, аълочиларга эса 30 сўмга 25 процент қўшиб стипендия берилади.

**Техникумнинг кундузги бўлимини «имтиёзли» диплом билан битирганлар ўқишни давом эттириш учун институтларга йўлланма билан юбориладилар.**

Техникумда ўқувчилар учун 50 процент арзон нархда овқатланиш ташкил этилган.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

**Кундузги бўлимга ариза ва ҳужжатлар 8-синф ҳажмидаги маълумотлилардан 1 августгача, ўрта маълумотлилардан 11 августгача қабул қилинади.**

СИРТҚИ БЎЛИМГА ЭСА 11 АВГУСТГАЧА ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:** маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, 2х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун).

**Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига кириш имтиҳонлари 8 синф ҳажмида маълумотлилардан 1—20 август кунлари:** МАТЕМАТИКА (оғзаки,) ОНА ТИЛИ (диктант); **ўрта маълумотлилардан эса** МАТЕМАТИКА (оғзаки), ОНА ТИЛИ (иншо)**дан имтиҳон ўтказилади.**

Техникум адреси: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (44, 48, 97-автобуслар; 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа политехникуми» бекати). Телефонлар: 41-35-58, 41-35-68.

---

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА

**катта мастерлар, ишлаб чиқариш-техника бўлими инженери, омбор мудири.**

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

**тикувчи-мотористкалар, тикувчилик жараёни мастерлари, диспетчерлик хизмати операторлари, пайвандловчилар, механиклар, табелчилар, кадрлар бўлими инспекторлари, бухгалтерлар.**

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

**тўқувчилар, лентачилар, йигирувчилар, мастер ёрдамчилари, слесарлар, зарядловчилар, калаваловчилар, ўровчилар, бухгалтерлар, транспортировкачилар, съёмщицалар.**

**Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар..**

«КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИГА

**трамвай ҳайдовчилари.**

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

**электрмонтажчилар, газ-электр пайвандчилар, слесарь-сантехниклар, ишлаб чиқаришга тайёрлаш группаси инженерлари, бухгалтер-кассирлар.**

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

**қуюв ишлаб чиқариши инженерлари ва техниклари, қуювчилар, қолипчилар, ускуналар ремонти бўйича электриклар, қуюв машиналарини созловчилар, контейнерлар ремонти бўйича слесарлар, гидравликлар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича электриклар, футеровкачилар, электр пайвандчилар, токарлар.**

**Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.**

**МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:**

**Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.**
**Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.**
**Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.**
**Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.**
**Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.**
**Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.**
**Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.**
**Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.**
**Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.**
**Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.**
**Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.**

---

«ҲАММА ЯХШИ НАРСАЛАР — БОЛАЛАРГА»

## КИТОБ—БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

«Болалар — энг саховатли, лекин айни пайтда талабчан китобхонлардир. Улар ҳатто энг майда хатони ҳам пайқаб оладилар... Китоб шундай бўлмоғи керакки, болалар ундан ўзларини билиб олмоқлари, улар учун ҳаётнинг давоми бўлмоғи керак».

Астрид Линдгрем, швед адибаси, улуғ эртакчи Андерсен номидаги мукофотнинг икки марта лауреати.

«ПИОНЕР ЁЗИ —84» ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ. Тошкентнинг Марказий бозоридаги савдо ярмаркаси меҳмонлар, катталар ва болаларни ҳам аввалгидек очиқ кўнгиллилик билан кутиб олмоқда. Ярмарка ташкилотчилари болаларга қизиқарли ва уларнинг дам олиш вақтини қувноқ ўтказиш учун зарур бўладиган барча ашёларни сотиб олиш ҳақида ўз вақтида ғамхўрлик қилганлар.

**ШАҲАРНИНГ МАРКАЗИЙ БОЗОРИДА**

**20— 30 ИЮНЬ КУНЛАРИ**

«БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ 10 КУНЛИГИ» ЎТКАЗИЛАДИ

Тошкент шаҳар китоб савдоси идораси энг кичиклар учун чиройли безакланган китобчаларни ва кичик ҳамда ўрта ёшдаги болалар учун, ўсмирлар ва юқори синф ўқувчилари учун турли халқларнинг эртаклари, ватанимиз классикларининг болаларга аталган китобларини сотувга тайёрлаб қўйишган. Болалар бу китоблар ўн кунлигида Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирларининг болаларга аталган асарлари — эртаклар, шеърлар, ҳикоялари билан яқиндан танишадилар.

Ўн кунликда сотиб олинадиган китоблар болаларни ҳамиша қизиқтирадиган, қандай қилиб жасоратли, эпчил бўлиш, қандай қилиб дўстликнинг қадрига етиш, оғир дамлар юз берганида ўртоғига қандай қилиб ёрдам бериш тўғрисидаги саволларга батафсил жавоблар оладилар.

Ота-оналар, вожатийлар, ўқитувчилар ўз кутубхоналарини ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда яқиндан ёрдам бера оладиган методик адабиётлар бўйича янги китоблар билан янада бойитиб оладилар.



Марказий бозорга қуйидаги транспорт воситалари билан **етиб борилади:** 3, 5, 7, 11, 13, 22, 25-трамвайлар; 3, 11-троллейбуслар; 7, 9, 54-автобуслар билан «Марказий бозор» бекатигача).

**Иш соати 10 дан 18.00 гача.**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ** (телефон 33-68-83).

---



## САРАТОН ПОЙАФЗАЛИ

**19—25 ИЮНЬ КУНЛАРИ**

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

ЎТКАЗИЛАДИГАН

САВДО - КЎРГАЗМАСИДА

**Сиз ёзги енгил, қулай, башанг пойафзалларни**

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

**САВДО-КЎРГАЗМАСИДА ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ПОЙАФЗАЛЛАРИНИНГ РАНГ-БАРАНГ МОДЕЛЛАРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН:**

Қўқон пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган эркаклар сандалетлари; хотин-қизлар босоножкалари;

Фарғона пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган спорт туфлилари, «мокасин» типидаги туфлилар, ранг-баранг газламалардан тикилган хона шиппаклари.

**ГУМ соат 9.00 дан 21.00 гача ишлайди.**

ГУМ (телефон 42-27-39).

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ** (телефон 45-37-28).

---

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника давлат комитети**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ 247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: КОНДИТЕРЛИК, НОНВОЙ—ТАНДИР НОНИ ВА БУЛОЧКА ПИШИРУВЧИ, ЛАБОРАНТ-ХИМИК, АВТОМАТИКА ВА КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ-СЛЕСАРЬ (нон ва пиво заводлари учун), ХОЛОДИЛЬНИКЛАР РЕМОНТИ БЎЙИЧА СОЗЛОВЧИ-МЕХАНИК, ҚУРИЛИШ БЎЁҚЧИСИ, АВТОСЛЕСАРЬ.**

**Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.**

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синф ҳажмида маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади. Билим юртини битирганлар танлаган мутахассисликлари бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитерлик-булочка комбинатида, «Ўртоқ» конфет фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, «Такт» ансамбли ишлайди ва ҳар хил спорт тўгараклари мавжуд.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** директор номига ариза, характеристика, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, медицина ва турар жойидан справкалар, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт.

**Бизнинг адрес:** Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй, (68, 133, 106, 121, 127, 45, 81, 15, 23-автобуслар, 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

---

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

**«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги**

40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУПИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ, АВТОСЛЕСАРЬ, ДУРАДГОР, БЎЁҚЧИ.

**Ўқиш муддати — 6 ой.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ҲАМДА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР 75 СЎМ (автослесарь, дурадгор, бўёқчи — 30 сўм) СТИПЕНДИЯ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА МАОШНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

**Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.**

Ўзга шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар давлат таъминотида бўладилар.

Улар махсус кийим-бош ҳамда 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

**Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар ва кириш имтиҳонларида имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юрти қошида вокал-чолғу ва халқ чолғу ансамбллари, турли спорт секциялари, рассомлик, фото ва техника тўгараклари мунтазам ишлаб туради.

**УҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШТИРИЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** билим юрти директори номига ариза, паспорт (туғилганлик гувоҳномаси), маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (гувоҳнома), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунларидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 69-уй (1, 1э, 17э, 24э, 102, 63-автобусларнинг «М. Горький метро станцияси» бекати; 17, 18 троллейбусларнинг «Партия мактаби» бекати).

---

## ТВ

### сешанба

**19 ИЮНЬ**

● МТ I

18.10 Концерт.
18.25 «Хавфли тенденциялар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Э. Мнацаканов олиб боради.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сизлар учун, қадрли ўртоқлар». Ветеранларнинг талабларига биноан концерт.
20.05 «Фан ва турмуш».
20.35 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.30 «Время».
22.05 Союзлар уйининг Колонна залида санъат усталарининг концерти. Танаффус пайтида (22.55) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Т. Г. Шевченко поэзияси».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Тбилиси).

● Ўз ТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 Усмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.15 «Ахборот» (рус.).
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус вақтида — «Ахборот».
21.20 «Қрим афсонаси». Катталар учун мультфильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Гўза парваришига — аъло сифат».
22.25 Телевизион театр. Асқад Мухтор. «Қўшнилар».
23.25 Янгиликлар.

● Ўз ТВ II

18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45 «Ёз оқшоми». Телефильм.
18.55 «Геология хизмати — беш йилликка» (рус.).
19.25 «Инсонлар тақдири». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (такрорий).
21.30 МТ II

### чоршанба

**20 ИЮНЬ**

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Новосибирск камер хорининг концерти.
9.55 «Саёҳатчилар клуби».
10.55 Мультфильмлар.
11.20 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
12.15 «Бу ғалати эркаклар». Телефильм.
12.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
15.50 «Горнчилар, қаердасиз!».
16.30 «Қизил погонлар». Бадиий фильм. 2-серия.
17.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.05 «Учалови бир шаҳардан». Телеочерк.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув.
20.25 «Бородино». Илмий-оммабоп фильм.
20.35 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.05 «Спорт ҳафталиги».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Илмий-оммабоп фильмлар.
9.55 «Вальс». Телевизион бадиий фильм.
10.55—11.25 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
12.25 Болалар учун фильм. «Браконьерларни овловчи».
13.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
14.25 «Фан ва турмуш».
14.55—16.25 «Гиппократ қасами». Бадиий фильм.
17.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
19.15 Е. Школьникова куйлайди.
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00—20.30 В. И. Саввин хотираси учун волейбол бўйича халқаро турнир. Эркаклар. СССР-I — Канада терма командалари.
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 «Ярқирама кварц». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Осмон сўқмоқлари». Бадиий фильм.
23.10 «Сенинг изланишларинг, театр». В. И. Немирович-Данченко мактубларини СССР халқ артисти М. А. Ульянов ўқийди.
23.45 В. И. Саввин хотираси учун волейбол бўйича халқаро турнир. СССР-I — ЧССР терма командалари.

● Ўз ТВ I

18.15 Мультфильм.
18.20 Усмирлар учун. «Орзу».
19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ўзбекистон телевидения ва радиоси ўйғун ансамблининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида қўшиклар».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда. Халқаро аҳвол кундалиги».
22.20 «Фидойи». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● Ўз ТВ II

9.00—17.15 МТ II
18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45 «Буюк Ростов». Телефильм.
19.00 «Совет ёшларининг ижодий кечаси».
19.30 «Етти тепаликда». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 А. С. Пушкин туғилганининг 185 йиллигига бағишланган интернационал концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 МТ II

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

19 ИЮНЬ, 1984 й.

Р—10287. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10